# Замон билан ҳамнафас

**Бугун замон режа билан иш тутганники. Чунки чама билан иш кўриш кўпинча инқирозга олиб келади. Бекободдаги Ўзбекистон металлургия заводига қарашли Жиззах иккиламчи қора металл шуъба корхонаси замон билан ҳамқадам одимлашни ана шундай пишиқ-пухта режа тузиш билан бошлади.**

**Корхона аъзолари амалдаги йилнинг ўтган даврида катта ютуқларга эришишди. Улар ҳозиргача минтақадаги корхона ва ташкилотлардан 16000 тонна металл парчалари ва чиқиндиларини йиғиштириб олдилар. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан сезиларли даражада кўпдир.**



- Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг бу суръатда ошишига сабаб нима? - сўрадик корхона ишчиларидан.

- Ишнинг тўғри ташкил этилганлиги, - жавоб қилишди улар.

Чиндан ҳам бу ерда ҳар бир киши ўз ишига пухта ёндашади. Самара ҳам шунга яраша...

Айни пайтда корхонанинг ташкилот ва хўжаликлардан металл парчаларини қабул қилувчи учта туман шохобчалари мавжуд бўлса, энди уларнинг сафи янада кенгаяди. Бу - иш унуми ҳам ортади, дегани. Ҳозирга келиб корхонада ўттиз киши меҳнат қилади. Ҳар бирининг оиласида беш киши бор, деб фараз қилсак, бир юз эллик, икки юз жонни корхона едириб-ичиради, кийинтиради. Ишчилар, асосан, корхона атрофидаги маҳаллаларда истиқомат қилади. Жиззах шаҳрининг бу чет қисмини "вторчермит" дейишади. Ўз навбатида, корхонада тер тўкаётганларнинг ишлаш ва дам олишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган бўлиб, улар ҳар йилги ёз мавсумида "Чортоқ", "Семашко" сингари сиҳатгоҳларда ўз соғлиқларини тиклаб қайтишади.

- Ишимиз бизни худди магнит сингари ўзига тортадиган бўлиб қолди, - дейди корхонанинг энг илғор ишчиларидан бири Шариф Исроилов. - Маошимиз кам эмас, ойига юз-юз эллик минг сўмдан ошириб ойлик оламиз. Бунинг устига, овқат учун алоҳида пул берилади. Сут, қатиқ дегандай... Одамга яна нима керак? Сифатли, унумли ишлашимиз лозим, холос...

- Кундалик ҳаётимизга назар ташласак, ўнлаб, юзлаб ва минглаб воқеликларнинг шоҳиди эканлигимиз. Радио эшитамиз, телевизор томоша қиламиз, кўчага чиқиб шаҳар транспортига ўтирамиз, мактабга ёки ишхонага борамиз, кўрамиз, эшитамиз, гапирамиз ва ишлаймиз. Хуллас, доимо ҳаракатда бўламиз, - дейди Жиззах иккиламчи қора металл шуъба корхонаси директори ўринбосари

***Қарор ва ижро***

Акмал Уроқов. – Хўш, буларнинг боиси нимада, нима учун инсон мураккаб воқеаларнинг иштирокчиси, кузатувчиси, ижрочиси, назоратчиси ва бошқарувчиси бўлмоғи керак? Назаримда, одамлар ўзлари қурган жамиятни ривожлантириб, тараққий эттириб боришлари учун шундай қиладилар. Тараққиётнинг моҳиятида, энг аввало, ўша ҳазрати инсон, унинг ақл-заковати, фойдали амаллари, камолотга интилиши ҳамда ўзи учун етарли даражадаги моддий ва маънавий ҳаётни вужудга келтириши ётади. Демак, одамлар жамият тараққиётининг ижрочиси, яъни муаллифидир. Юқоридаги фикрларимдан кўриниб турибдики, корхонамизда ишлаётганларнинг барчасида ўз касбига фидойилик фазилатлари мужассам.

Корхонада меҳнат қилаётганларнинг асосий қисми ёш йигит-қизлар. Ёшлар ўз тақдирини корхона фаолияти билан бевосита боғлашган. Жамшид Расулов, Олим Искандаров, Шариф Исроилов сингари ишчилар зиммаларидаги вазифаларни астойдил адо этишиб, бошқаларга ўрнак бўлишмоқда.

- Жиззахликларга азалдан яхши меҳнат қилиб, эл-улус орасида обрў-эътибор қозониш отамеросдир, - дейди корхона бош муҳандиси Ирисмат Абдукаримов. – Кўрган ва эшитган янгиликларни тез илғаб, уни ҳаётга татбиқ этиш ҳар қандай халқнинг фазилатига хос бўлмаса керак. Лекин булар бизнинг миллатдошларимизга хос одатдир. Биз қимматбаҳо маҳсулотимизни исроф қилмасдан, ўз вақтида Бекободдаги Ўзбекистон металлургия заводига топширамиз. Мана, ҳозирга қадар зиммамизга олган ойлик ҳамда ярим йиллик режани ошириб бажариб келаяпмиз.

Бош муҳандиснинг таъкидлашича, Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 49-сонли қарори талабларини бажариш мақсадида корхонада жуда катта ҳажмда ишлар амалга оширилди. Мақсад — мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантираётган металл парчаларини ўз вақтида йиғиштириб топширишдир. Ана шунда қишлоқ хўжалиги соҳасида деҳқонларимизга жудаям асқотадиган техника воситалари, уларнинг эҳтиёт қисмларига бўлган тақчиллик сезилмайди. Республика ҳукуматининг саъй-ҳаракатлари, шунингдек, кўплаб тадбиркорларнинг ҳамкорлик алоқаларини тиклаш йўлидаги амалий ишлари туфайли одамларни техника воситалари ҳамда эҳтиёт қисмлар билан таъминлаш изга тушди. Бунда корхона жамоасининг ҳам озми-кўпми ҳиссаси бор, албатта.



- Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Рангли металл парчалари, чиқиндиларини йиғиш, тайёрлаш ва қайта ишлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ги қарори ўз вақтида қабул қилинган муҳим ҳужжат бўлди, десам асло янглишмаган бўламан, - дейди иккиламчи қора металл шуъба корхонаси директори Хурсанд Тўймуродов. – Қарорда рангли металл парчалари ва чиқиндиларини комплекс равишда йиғиш, қайта ишлаш, истеъмолчиларнинг эҳтиёжларини қондириш ҳамда экспорт ҳажмини кенгайтириш каби долзарб вазифалар белгилаб берилган. Шу боис прокат, қотишмалар ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш борасида тизимли ишлар ташкил этишга ҳаракат қилмоқдамиз. Мақсадимиз Ватанимиз қудратини оширишга муносиб ҳисса қўшиш.

Суҳбатдошимиз Хурсанд Тўймуродов Ўзбекистонда металл йиғиш ишларига ҳисса қўшиб келаётган соҳа жонкуярларидан бири ҳисобланади. Шу боис у раҳбарлик қилаётган Жиззах иккиламчи қора металл шуъба корхонаси жамоаси катта ютуқларни қўлга киритди. Келгусидаги режалар эса бундан-да улкан. Ана шу эзгу ниятларнинг рўёбга чиқишига биз ҳам тилакдошмиз.

**Улуғбек ЖУМАЕВ,**
**«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.**



# Хўжақарлик Дилором

***Қарши-Касби катта йўлидан ўтсангиз, йўлнинг чап томонидаги дарахтзорга кўзингиз тушади. Бу Касби туманидаги Хўжақарлик қишлоғи боғларидир.***

Хўжақарликка кириб борар эканмиз, боғлар ҳам, боғбонлар ҳам кўплигини кўриб ҳайратимиз ортди. Айниқса, бодомзорлар қишлоқ кўркига ўзгача чирой бахш этган.

- Боғнинг бу қадар кўплигига сабаб нима? - деймиз мева тераётган одамларга саломаликдан сўнг.

- Боғи борнинг давлати бор, - дейди бири мийиғида кулиб. - Қашқадарёда биринчи мева бизнинг боғда пишади. Боғларнинг кўпайиб бораётганига келсак, азалдан хўжақарликлар боғбон бўлишган. Ота-боболаримизнинг анъаналарини биз давом эттираяпмиз.

***Орамиздаги одамлар***

- Ана, Дилором опанинг ўзлари келаяптилар, - дейди улардан яна бири. У киши Хўжақарлик маҳалла фуқаролар йиғини раисаси. Яқинда одамлар опани яна икки ярим йилга раисликка сайлашди.

Дилором опа Абдураҳимова билан самимий кўришар эканмиз, унинг ташвишлари кўплиги, элнинг юкини елкасида ҳис қилиб тургани шундоқ сезиларди.

- Тўй ташвишлари билан юрибман, - дейди опа. - Ҳали у хонадонда бешик тўйи, ҳали бунисида суннат тўйи. Бунинг боиси бор, албатта. Боғ-роғларимизда мева мўл бўлди. Соҳибкорларимизнинг кайфияти яхши. Шунинг учун ҳам тўйларимиз кўп, дастурхонимиз тўкин. Қишлоғимиз деганда сизлар фақат Хўжақарликни тушунмангизлар. Заркўноқ, Қозоқ, Саргужум қишлоқлари бир-бирига туташиб кетган. Мана, масалан, Хўжақарликда пишган палов Заркўноқда яшовчи энг кекса киши оғзига тегмаса, одамлар ошга қўл узатишмайди. Табаррук кексалар дуоси олингач, таом тановул қилинади. Бу удум қишлоғимизда минг йиллардан буён сақланиб келмоқда, дейишади кексалар. Умар бобо Умиров, Исмат бобо Зуҳуровнинг маслаҳати билан одамлар янги-янги боғ-роғлар барпо қилишаяпти.

Хўжақарлик қишлоғи оқсоқоли Беҳбуд Аҳмедов ҳали анчайин ёш бўлса-да, одамлар унинг гапини икки қилишмайди. Тўю маъракалар маҳалла оқсоқоли иштирокисиз ўтмайди. Беҳбуд ака ўта саводли, зукко киши. Унинг айтишича, қишлоқдаги сардоба бир неча асрлар илгари ҳам бу ерда одамлар яшаганига гувоҳлик бериб турибди.

- Ҳатто ўтган асрнинг 60-йилларида аҳоли ундан қисман фойдаланар эди, - дейди у. – Лекин бу сардоба тарихий обидалар рўйхатига киритилмаган. Қучоқ етмас тут дарахтлари ҳам хўжақарликларнинг азалдан боғу роғларга қизиққанлигидан дарак бериб турибди.

- Қадимий тутлардан 20 дона атрофида қолган, - дейди Дилором опа. - Кексаларнинг шаҳодат беришича, тут дарахтларининг ёши камида 200 йилдан ошган. Тирик тарих бу. Дарвоқе, агар тут пишиғида келганларингизда, ажойиб манзаранинг гувоҳи бўлардингизлар. Бизда тут пишиши ҳам бир байрам. Азалдан ота-боболаримиз тут пишишини табиат ато этган биринчи ризқ сифатида нишонлашган. Бу анъана ҳамон қишлоғимизда давом эттирилмоқда.

Ҳа, бу қишлоқнинг ўзига хос тарихи ва анъаналари бор. Имом Муҳаммад Садир Ислом зиёратгоҳи XI-XV асрлардан сўзлайди. Бу авлиёнинг мақбара ва қабри сақланиб қолган. Зиёратчиларнинг қадами узилмайди бу маскандан. Ҳайратланарлиси, зиёратгоҳ ёнида ўсган патта дарахтлари Арабистондан келтириб экилган. Дарахтдан йилнинг ҳар фаслида турфа рангда шифобахш сув томиб туради. Унинг турли касалликларга даво бўлишини айтмайсизми.

Дилором опа тўп тепиб юрган болаларни кўрсатиб деди:

- Булар қишлоғимизда тузилган "Заркўноқ зафарлари" футбол жамоамиз йигитлари. Ҳозирча улар очиқ майдонда коптоқ ўйнашаяпти. "Ферузбек Ҳақберди ўғли" фермер хўжалигим ҳисобидан ўйингоҳ қуриш ниятидаман. Лойиҳалари тайёр бўлган. Яқин кунларда қурилиш ишлари бошлаб юборилади.

Дилором опанинг гапини қишлоқдан чиққан ёш полвон Бахтиёр Бекбудов давом эттиради:

- Мен туман ва вилоят турнирларида иштирок этиб, фахрли ўринларни эгаллаганман. Ютуқларни қўлга киритишимда Дилором опанинг ҳиссаси катта. Қишлоғимда у кишини спорт ҳомийси, дея аташади. Спортни ривожлантириш учун мактабга, маҳаллага Дилором опа ҳар йили 250-300 минг сўмлаб ҳомийлик қилади. Стадион қурилиши учун 5 миллион сўм маблағ сарфлаяпти. Шундай эътибор туфайли бизнинг "Заркўноқ зафарлари" футбол жамоамиз туман маҳаллалари ўртасидаги беллашувларда доим ғолиблар сафида бормоқда.

Дарвоқе, Дилором опа маҳалла раисаси, уй бекаси, фарзандларни оқ ювиб, оқ таровчи меҳрибон она ва, шунинг баробарида фермер хўжалиги раисаси ҳамдир. 20 гектар майдонда барқ уриб ривожланаётган ғўзаси атрофида парвона. Ўтган йили ҳар гектар ердан 45 центнердан ҳосил саранжомлаган. Бу йил Дилором опанинг шашти баланд. Ҳосилдорлик гектаридан 50 центнердан кам бўлмайди, дейди. Унинг бу гапларига ишонамиз. Чунки шабадада тебраниб турган бўлиқ ва баравж ғўзалар опанинг сўзини устидан чиқишига яққол исботдир.

**Фахриддин БОЗОРОВ,**
**«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.**

**2006 йил 28 августда Республика кўчмас мулк биржа савдосига чиқарилаётган давлат корхоналари объектлари (улуш, мол-мулклари) рўйхати**

| № | Мулк номи | Тармоқ | Ҳудуд | Мулкнинг бошланғич нархи (сўм) |
|---|---|---|---|---|
| 1 | Бўстонлиқ туман ҳокимиятига қарашли, Бўстонлиқ тумани, Коронкул қишлоғида жойлашган "Дам олиш ва қайиқда сузиш базаси" | Ҳокимият | Тошкент вилояти | 35969695,6 |

**Қўшимча маълумотлар учун телефонлар: 133-38-69, 133-27-19, ёки қуйидаги манзил бўйича: Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси 10-уй**

# Ўртадаги учинчи одам

**"Деҳқонларнинг косаси нега оқармайди?" Бу саволга кўп дуч келамиз. Бизнингча, гоҳо бунга деҳқоннинг ўзи айбдорга ўхшайди. У пешона тери тўкади, заҳмат чекади, ҳосил етиштиради, лекин... ҳосилининг қадрига етаяптими-йўқми, меҳнатига яраша ҳақ олаяптими-йўқми, ҳамиша ҳам англаб етмаётгандай. Ангорлик Азамат Тўраев "Дамас" ҳайдайди. Сурхондарёдан Тошкентнинг Қўйлиқ бозорига мева олиб келиб сотади. Буям ҳалол тижорат. Катта заҳмат. Эплаган, уддалаган қилади.**



- Сизга бир воқеани айтиб берайин, - дейди Азамат, - бир хонадонга қизил олма излаб бордим. Кекса отахон чиқди. Олмаси кўп экан. 70-80 туп. Ўзининг, ўғлининг томорқаси тўла олма, тахмин қилдим – 4 тонналар чиқади. Қишлоқ одамлари содда. Бозордаги нархни ҳам билмайди. Тортишмайди ҳам. "Килосини қанчадан берасиз, боғбон бобо", дедим. "Юзма, бир юз элликма, ўзингиз биласиз", деди. Килосини 400 сўм деса ҳам олардим. "70 сўмдан беринг, бобо", дедим. "Олинг, болам, олинг", деди. Қизиғи кейин бўлди. Турмушга чиқиб кетган қизи бобони кўргани келди. Қоғоз қутига олмани шундай жойладимки, 30-33 кило келади, 20 килолик тарози топиб келди. "Бунда тортиб бўлмайди", дедим. Қизи "ақлли"лик қилди. Гўллигинимми, соддалигинимми кўриб ҳайрон қоласиз. Қизи "Ҳар қути олмани бошқа қишлоқда 20-21 килодан олаяпти, нима, сиз ҳеч бўлмаса 19 килога олмайсизми" деди. Сездим, бобо ҳеч нарсани тушунмаяпти, қизи савдодан бехабар. Қайси савдогар айёр эмас. "Берсангиз, ҳар яшикни 18 килодан оламан, бўлмаса керак эмас", дедим. Роса тортишишди. Мен охири бобонинг ҳурматига ҳар қути олмани 19 килодан олдим. Аслида ҳар бир қутида 30-33 кило олма бор. Хоҳ

***Мулоҳаза***

ишонинг, хоҳ ишонманг, шу боғбондан мен сал кам 2 тонна олмани бепул обкетдим. Яна бобо менга раҳмат айтиб қолди. Барака топинг, болам, деди.

Азамат Тўраев рост гапни айтаяпти. Минг афсуски, бу ягона ва тасодиф ҳодиса эмас. Бугун республика бўйича минглаб томорқаларда етиштирилаётган ноз-неъматларни "туя" қилаётганлар сон мингта. Битта нарсани тан олиш керак: уларнинг орасида инсофли, имонлилари, деҳқону боғбонга "ичи" ачийдиган, кўмак берадиганлари ҳам бор. Лекин улар кам.

Бир томонда деҳқон, нариги томонда истеъмолчи, ўртада - тижоратчи-тадбиркор. Шоир "Сенга инсоф берсин, учинчи одам" деб тижоратчини ҳам айтган бўлса ажаб эмас.

**Менгнор ОЛЛОМУРОДОВ,**
**«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.**

# Бўри изидан



***Воқеа***

***Пешку туманидаги "Жонгелди" қоракўлчилик хўжалиги яйловларида бир жуфт бўри пайдо бўлиб, гоҳ у, гоҳ бу отарларга ҳужум қилаётган, кўплаб қўй-эчкиларни нобуд этаётган эди. Чўпонлар мадад сўраб тегишли идораларга мурожаат қилдилар. Йиртқичларни йўқотишга Бухородаги кўплаб овчилар, жумладан, жондорлик Самандар Шарипов ҳам жалб этилди.***

Самандар чўл бархалари оралаб бўри изига тушди. Бир ҳафта деганда ниҳоят йиртқичларнинг оёқ изини топди. Бу излар янгилигини у овчиларга хос зийраклик билан пайқади. Чор-атрофга обдон разм солгач, қопқонларни кўздан кечирди. Ҳаммаси жойида. Фақат сарғиш қопқон ёнида тирноқдор излар бор. Бўрилар бу ерга албатта қайтиб келади. Овчининг бунга ишончи комил эди. Аммо негадир юраги ғаш. Дарвоқе, эртага 8 март. Хотини, болалари йўлига интиқ бўлиб ўтиришгандир? Ортга қайтсамикан?! Унда шунча сарсон бўлгани қолади. Қолаверса, чўпонлар, қишлоқдошлари нима дейишади? Самандар овчининг овчилиги қолмабди, дейишмайдими? Ахир, кўпнинг оғзига элак тутиб бўлмайди.

Самандар гавдасига мослаб қазиган хандақда туриб атрофни кузатаркан, ғира-шира пайдо бўлган иккита шарпани кўриб қолди. Овчининг ўткир кўзлари алдамади. Бу ўша, чўпонлар ҳаловатини бузган, қанчадан қанча қўй-қўзини нобуд қилган икки бўри эди. Лекин Самандар овчини ҳайратга солгани уларнинг баҳайбатлиги эди, десак хато қилмаймиз. Шу боисдан бўлса керак, бироз саросимага тушди. Аммо тажрибали овчи учун бу ўткинчи ҳолат. Пистирмадан туриб милтиғи билан бўрилардан бирини нишонга олди. Чўл сукунатини ўқ овози бузди. Ҳаяжон панд берди чоғи, Самандарга отган ўқи хато кетгандек туюлди. Акс ҳолда олдиндаги бўри сира тап тортмай пистирма сари кела олармиди? Овчи шоша-пиша йиртқичнинг бошини нишонга олди. Бахтга қарши ўқ отилмай қолди. Унинг қўл-оёқлари музлаб, пешонасидан совуқ тер чиқди. Яна бир лаҳзадан сўнг йиртқич унга ташланиши муқаррар. Кечадан буён кўнгли хижил бўлаётгани бежиз эмас экан-да.

Аммо... Бўри хандақдан ўн қадамча нарида гурс этиб қулади. Дастлабки ўқ овчига панд бермаган экан. Самандар ҳар эҳтимолга қарши милтиқни қайта ўқлаб, жон талвасасида ётган бўрини нишонга олди. Унинг жуфти эса аллақачон жуфтакни ростлаган эди. Чўпонлар бўрининг жонсиз танасини тарозида тортиб кўришганида, унинг оғирлиги нақ 80 килограмм чиқди...

...Орадан бир ойча ўтиб Самандар бўрининг жуфтини ҳам отиб ўлдирди. Бунда ҳам синчковлиги қўл келди.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.**




## Можаро якун топадими?

***Исроил бош вазири Эҳуд Олмерт қуруқликдаги Ливан чегарасига янада ичкарироқ кириб бориш ҳарбий амалиёти кечиктирилишини маълум қилди.***



Бундан кўзланган мақсад жангларни тўхтатиш резолюциясини қабул қилиш ва Ливанда тинчликпарвар контингентни ташкил этиш борасидаги АҚШнинг навбатдаги уринишларига имконият яратиб бериш эканлиги айтилмоқда. Кузатувчилар фикрига кўра, можаролар барҳам топиши мумкин, бунда Исроил АҚШга ишонмоқда. Ўз ўрнида расмий Вашингтон БМТ Хавфсизлик Кенгаши томонидан Исроил-Ливан можаролари борасида узил-кесил резолюция қабул қилинишида муҳим рол ўйнашини кўрсатиб қўйиш пайида. Бундан аввалроқ резолюция қабул қилишга йиғилган кенгашда АҚШ "Ҳизбуллоҳ" гуруҳи буткул йўқ қилинмас экан, жанглар тўхтатилмаслиги керак, деган фикрда туриб олган оқибатда бу борада ҳеч қандай натижага эришилмаган эди. Бу гал расмий Вашингтон жангларга бутунлай чек қўйиш тарафдори эканлигини айтмоқда.

Агар тарихга назар солсак, Яқин Шарқда Исроил томонидан олиб борилган урушларнинг барчаси АҚШ қизиқишлари билан боғлиқ бўлиб келган. 1956 йил Сувайш инқирози даврида Исроил армияси Миср назоратидаги Ғазо минтақасига кириб келди. Исроил армиясининг қўли баланд келаётган бир вақтда АҚШнинг можароларга аралашуви натижасида Тел-Авив жангларни тўхтатишга мажбур бўлади. Исроилнинг 1967 йилдаги "Олти кунлик уруш" ёки 1973 йилдаги "Қиёмат жанги" ҳам шундай якун топган.

## Сан-Паулуда нотинчлик

***Бразилиянинг йирик штатларидан Сан-Паулудаги тартибсизликлар уч кундан буён давом этмоқда.***



Штатнинг 5 та шаҳрида жиноий гуруҳлар суд ва полиция идораларига ҳужум уюштирмоқда. Жанговар қурол ва гранаталар билан жиноятчилар уч кун мобайнида 100 га яқин иншоотларга шикаст етказган, бир неча автобусга ўт қўйиб юборишган. Ўзаро тўқнашувлар оқибатида ўнга яқин одам ҳалок бўлган. Федерал ҳукумат тартибсизликларни бостиришга армияни жалб этган. Сан-Паулудаги бошбошдоқликларга гиёҳванд моддалари ва қурол савдоси билан шуғулланувчи "Марказнинг биринчи қўмондонлиги" гуруҳи бошчилик қилмоқда. Май ойида ушбу жиноий гуруҳ билан полиция ўртасида бўлиб ўтган тўқнашув 200 нафар одамни ҳаётдан олиб кетган эди.

## Тасмадаги ҳарбий жиноят

***Сербия телевидениеси орқали бундан 11 йил аввал сербларга қарши содир этилган ҳарбий жиноятлар акс эттирилган видеолавҳа намойиш этилди.***



Видео тасмада Босния генерали Атиф Дудаковичнинг 1995 йилда амалга оширган "Шторм" операцияси тасвирланган. Ушбу операцияда генерал буйруғи билан бир қишлоққа ўт қўйилган. Оқибатда 200 минг нафар серб қочқинга айланган ва юзлаб одамлар ҳалок бўлган. Генерал Дудакович унга нисбатан қўйилаётган айбловларни инкор этмоқда. Унинг сўзларига кўра, у генерал Гатовин буйруғига биноан "Шторм" операциясини ўтказган.

## Ўғрими ёки жосус?

***АҚШ ҳарбий денгиз флотининг яҳудий миллатига мансуб 21 ёшли хизматчиси жосусликда айбланмоқда.***



Ариэл Вайнман флотнинг Albugnergue сув ости кемасининг махфий маълумотлари жойлаштирилган ноутбук компьютерини ўғирлаётганида қўлга олинган. Дастлаб у Исроил давлатига "ишлаган" деган тахминга борилган эди. Текширувлар натижасидан сўнг маълум бўлишича, Вайнман Россияга "Томогавк" ракеталари ва сув ости кемаси тўғрисида махфий ахборот юборишга уринган. Айбланувчи бундан ташқари Баҳрайн, Вена ва Мексика билан алоқада бўлгани гумон қилинмоқда. Агар Вайнманга қўйилаётган айблар исботланса, у ўлим жазосига ҳукм қилиниши мумкин.

## Хунрезлик олди олинди

***Буюк Британия полицияси мамлакатда содир этилиши мумкин бўлган йирик қўпорувчиликларнинг олди олингани ҳақида хабар бермоқда.***




Британияда махфий тарзда ўтказилган антитеррор амалиёти давомида бир неча шахс қўлга олинган. Улар Британия ва АҚШ осмонида 20 та йўловчи самолётни портлатиб юбормоқчи бўлишган. Қўлга олинганлар, асосан, Лондондан АҚШга учувчи самолётларда қўпорувчиликлар содир этишни режалаштиришган.

## Овозлар қайта ҳисобда

***Мексика Федерал сайлов трибунали 2 июлда бўлиб ўтган президентлик сайлови натижаларини қайта ҳисоблаб чиқишга буйруқ берди.***

Овозларни такроран ҳисоблаб чиқиш ишлари сайловларда Фелипе Калдерондан мағлуб бўлган номзод Лопес Обрадор тарафдорлари талабига биноан амалга оширилмоқда. Унинг 2 миллиондан зиёдроқ тарафдорлари бир неча кун давомида Мехикода норозилик намойишлари ўтказишди. Юзага келиши мумкин бўлган тартибсизликларнинг олдини олиш мақсадида сайлов трибунали қайта ҳисоблаш ишларини олиб боришга қарор қилди.

## Олов - тилсиз ёв

***Испания ҳукумати ўрмон ёнғинларини бартараф этишда Европа Иттифоқидан ёрдам сўрамоқда.***



Мамлакат бош вазири Хосе Луис Сапатеро ўт ўчирувчиларни ёнғин ўчоқларига юборувчи марказга ташриф буюриб, четдан кўмак олиш лозимлигини маълум қилган. Айни дамда Испания ҳамда Португалияда иссиқ об-ҳаво ва қурғоқчилик туфайли йирик ўрмонзорлар олов ичида қолган. Биргина Испанияда 110 дан зиёд ёнғин ўчоқлари минглаб гектар ҳудудни ўз домига олган.

**INTERNET хабарлари асосида**
**Ш.САНАЕВ тайёрлади.**

